O`zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog`ot tumani
HOKIMI
QARORI

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел:31-52-807, факс: 31-52-425

2018 йил «30» декабр № 4395а Боғот шаҳарчаси

Боғот туманининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон) 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086 сонли ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари тўғрисида"ги 40-170-сонли, Хоразм вилоят ҳокимининг 2018 йил 30 декабрдаги "Хоразм вилоятининг 2019 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва маҳаллий бюджетининг параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги 792қ-сонли ҳамда халқ депутатлари Боғот туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Боғот тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари тўғрисида"ги 51/174 сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086 сонли ва Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари тўғрисида"ги 40-170-сон ҳамда халқ депутатлари Боғот туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Боғот тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари тўғрисида"ги 51/174 сон қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2019 йилга мўлжалланган туман маҳаллий бюджетининг:

туман маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2019 йилги даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, вилоят бюджетидан бериладиган ижтимоий соҳа учун трансфертлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқлари тушумларидан

ажратмалар нормативлари 3-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман молия бўлими (Рўзметов)га (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) тегишли маҳаллий бюджетга юқори бюджетдан трансфертлар ва ссудалар олинишида, туман бўйича барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш топширилсин.

4. Туман молия бўлимининг 2018 йилги туман маҳаллий бюджети даромадларини 20,9 млрд.сўм ва харажатларини 102,2 млрд.сўм миқдорида аниқлаштириш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

5. Халқ депутатлари Боғот туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги "Боғот туман маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари тўғрисида"ги 51/174-сонли қарори билан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарор Боғот туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган "Боғот садоси" газетасида эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Боғот туман ҳокими вазифасини бажарувчи **О.Холбоев**

PROTOQOL QISMI

ASLIDAN TO'G'RI